

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Уз-Корам Ко Бош директори

Мамадалиев А.

2022 й.



« Корхона томонидан тақдим этилган технологик қолиплар ёрдамида, хом-ашё
давал асосида Т250 учун пластмасса деталь №42453229 ва 94511161 ишлаб
чиқариш хизматини амалга ошириш бўйича»

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

Буюртмачи: «Уз-Корам Ко» МЧЖ

Андижон ш. - 2022 й.

Мундарижа

- I. Танлов иштирокчиси учун йўриқнома.
- II. Малакавий ҳужжатлар рўйхати.
- III. Иштирокчилар ва танлов таклифларини малакавий баҳолаш тартиби ва мезонлари.
- IV. Танланган таклифнинг нарх қисмини баҳолаш.

- 1 Умумий қоидалар.**
- 1.1 Мазкур танлов ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни (кейинги ўринларда - Қонун) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.
- 1.2 Танлов предмети: **«Корхона томонидан тақдим этилган технологик қолип ёрдамида, хом-ашё давал асосида пластмасса деталь ишлаб чиқариш хизматини амалга ошириш бўйича»**
- 1.3 **Танловнинг максимал қиймати 373 290 000,00 сўмни ташкил қилади.** Танлов таклифида кўрсатилган нархлар 42453229 ва 94511161 учун 3732,94 қийматдан юқори бўлмаслиги керак.
- 1.4 Хизмат кўрсатиш бўйича техник топшириқлар танлов ҳужжатларининг техник қисмида келтирилган.
- 1.5 Танлов комиссияси йиғилиши шакли – электрон шаклда Давлат махсус ахборот портали (<https://etender.uzex.uz/home>).
- 2 Танлов ташкилотчиси**
- 2.1 **«Уз-Корам Ко» МЧЖ**
- 2.2 “Буюртмачи” манзили: Андижон шаҳри. Янгиайланма кўчаси-1 уй;
Ташкилотчининг мулоқот қилувчи шахлари:
Техник масалалар бўйича саволлар: 2-ишлаб чиқариш департаменти директори: Зулунов Азизбек +998906267000
2-Ишлаб чиқариш департаменти бошлиғи Эгамбердиев Бахтиёр + (99891)488-38-22
Харид бўйича саволлар бўйича: Харид хизмати мутахассис: Байбеков Тимур Хасанович e-mail: t.baybekov@uzkoram.uz тел.: + (99898)270-29-29
- 2.3 Танлов Буюртмачи ташкил қилган камида етти кишидан иборат таркибдаги танлов комиссияси томонидан ўтказилади.
- 3 Танлов 3.1 иштирокчилари**
- Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар исталган юридик шахслар, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари иштирок этиши мумкин (4.2 бандда келтирилган шахслар бундан мустасно).
- 4 Танловни ўтказиш шarti**
- 4.1 Танловда иштирок этиш учун, танлов иштирокчиси қуйидагиларни амалга ошириши лозим:
- а) танлов шартлари билан танишиш учун махсус ахборот порталида жойлаштирилган танлов ҳужжатларининг электрон нусхасини олиш (кўчириш);
- б) танлов ҳужжатлар шартларига мувофиқ танлов ҳужжатларини топшириш.
- 4.2 Қуйидаги иштирокчиларнинг танловда қатнашишига йўл қўйилмайди:
- қайта ташкил қилиниш, тугалланиш ёки банкротлик босқичини бошидан кечираётган;
- Ноҳалол ижрочиларнинг ягона рўйхатига киритилган; солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлиги бор;
- имтиёзли солиқ режимини берувчи ва/ёки молиявий амалиётларни ўтказишда маълумотларни ошкор қилиш ва беришни кўзда тутмайдиган давлатлар ёки ҳудудларда (оффшор зоналар) рўйхатдан ўтган ва банк ҳисобрақамларига эга бўлган.

- 4.3 Буюртмачи қуйидаги ҳолларда иштирокчини харид қилиш таомилида иштирок этишдан четлаштиради:
Иштирокчи тўғридан тўғри ёки воситали тарзда буюртмачининг, ёки бошқа давлат органининг ҳозирги мансабдор шахсига ёки собиқ ходимига давлат харидлари жараёнида бирон-бир ҳаракатни амалга ошириш, қарор қабул қилиш ёки бирон-бир танлов таомилини қўллашга таъсир кўрсатиш мақсадида ҳар қандай шаклдаги мукофот, ишга олишни ёки ҳар қандай қимматбаҳо буюм ёки хизмат кўрсатишни таклиф қилган, берган ёки бунга рози бўлган тақдирда;
Иштирокчи адолатсиз танлов устунлигига эга бўлса ёки қонунга зид бўлган манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлса.

5 Танлов тили.

- 5.1 Танлов таклифи, иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган у билан боғлиқ бўлган барча ёзишмалар, ҳужжатлар ўзбек ва рус тилида бўлиши керак.

6 Танлов таклифи ва уни расмийлаштириш тартиби

- 6.1 Танлов иштирокчилари, мазкур танлов ҳужжатларининг Малакавий ҳужжатлар рўйхатида кўрсатилган ҳужжатларни ўз ичига олган таклифларини эълонда белгиланган тартибда <https://etender.uzex.uz/home> сайтида танлов ўтказилиши ҳақидаги эълонда кўрсатилган лот бўйича электрон шаклда тақдим қилади.
- 6.2 Танлов иштирокчиси:
тақдим қилинаётган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва ишончилиги учун маъсул ҳисобланади;
тақдим қилинган таклифни бундай таклифларни бериш муддати тугагунча қайтариб олиш ёки унга ўзгартириш киритишга ҳақли.
- 6.3 Танлов таклифи etender.uzex.uz сайтига тақдим қилинади
- 6.4 **etender.uzex.uz қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:**
танлов предметининг номланиши; иштирокчининг номланиши; буюртмачининг номланиши ва унинг манзили;

7 Танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш

- 7.1 Зарур ҳолларда буюртмачи танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.
Танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида қарор таклифларни тақдим қилиш муддати тугашидан камида уч кун аввал қабул қилиниши мумкин.
Танлов таклифларига ўзгартишлар киритиш жараёнида Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ёки уларнинг тавсифлари ўзгартирилишига йўл қўйилмайди.
Таклифларни бериш муддати тугаган пайтда танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилганда танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан бошлаб, камида ўн кунга узайтирилади.
Айни пайтда эълонда кўрсатилган маълумот ўзгартирилган тақдирда, танловни ўтказиш ҳақидаги эълонга ҳам ўзгартишлар киритилади.

8 Танлов таклифлари

- 8.1 Давлат Харидлари махсус ахборот портали <https://etender.uzex.uz/home> жойлаштирилган лотлар буйича келган таклифлар ва уларни баҳолаш мезонлари
- 8.2 Танлов комиссияси рад қилинмаган таклифлар баҳолаб, танлов

ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида танлов ғолибини аниқлайди.

- 8.3 Танлов иштирокчиси тақдим қилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг сохталиги аниқланса, танлов комиссияси бундай иштирокчини танловда иштирок этишдан четлаштиришга ҳақли.
- 8.4 Танлов таклифларини баҳолаш ва танлов ғолибини аниқлаш танлов ҳужжатларида баён қилинган мезонлар асосида амалга оширилади (**2-ИЛОВА**).
- 8.5 Таклиф Қонун, қарор ва танлов ҳужжатлари талабларига жавоб берса, тегишли тарзда расмийлаштирилган, деб ҳисобланади.
- 8.6 Танлов комиссияси таклифни берган танлов иштирокчиси Қонун, қарор ва танлов ҳужжатлари талабларига жавоб бермаса, ёки танлов иштирокчисининг таклифи танлов ҳужжатлари талабларига мос бўлмаса, таклифни рад этади.
- 8.7 Танлов таклифларини баҳолаш жараёнида танлов комиссияси танлов иштирокчиларидан уларнинг танлов таклифлари бўйича тушунтиришлар сўраб олишга ҳақли.
- 8.8 Танлов ҳужжатлари ва таклифларида кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажариш бўйича энг яхши шартларни таклиф қилган танлов иштирокчиси ғолиб деб топилади.
- 8.9 Арифметик ёки бошқа хатолар мавжуд бўлган тақдирда танлов комиссияси, бу ҳақда танлов иштирокчисини хабардор қилгани ҳолда, танлов таклифини рад этишга ёки уларни келгусида кўриб чиқиш бўйича бошқа шартларни белгилашга ҳақли.
- 8.10 Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш натижалари таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолашни <https://etender.uzex.uz/home> сайтида комиссия аъзоларининг электрон имзоси орқали баҳолаш натижасида автоматик шаклланади ва баённома расмийлаштирилади.

9 Томонлар маъсулияти ва махфийликка риоя қилиш

- 9.1 Комиссия раиси ва аъзолари, шунингдек танлов таклифларини ўрганиш учун ташкил қилинган ишчи гуруҳ аъзолари маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас.

10 Бошқа шартлар

- 10.1 Танловда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар, ўтказилаётган танлов ҳақида тушунтиришлар олиш учун ишчи органга мурожаат қилишга ҳақли.
- 10.2 Танловда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар балансида мавжуд автотранспортлар рўйхатини тақдим қилган ҳолда иштирок этишлари ёки бўлмаган тақдирда ижарага олиб ижара шартномаси нусхаларини тақдим қилган ҳолда қатнашишлари мумкин.
- 10.3 Қуйидаги ҳолларда танлов комиссияси танловни бўлиб ўтмаган деб эълон қилиши мумкин:
танловда битта иштирокчи иштирок этган ёки ҳеч ким иштирок этмаган тақдирда;
таклифларни кўриб чиқиш якунлари бўйича танлов комиссияси барча таклифларни танлов ҳужжатлари талабларига мос эмаслиги туфайли рад этган тақдирда.
- 10.4 Ғолиб чиққан таклиф акцептигача буюртмачи исталган пайтда танловни бекор қилиши мумкин. Танлов бекор қилинган тақдирда буюртмачи махсус ахборот порталида бундай

карорнинг асосли сабабларини чоп этади.

11 Шартома тузилиши

- 11.1 Танлов натижаларга кўра шартнома у билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан тақдим қилнаётган танлов ҳужжатлари ва таклифларида кўрсатилган шартларда тузилади.
- 11.2 Танлов ғолиби танлов шартлари бўйича шартнома тузишдан бош тортган тақдирда, шартнома тузиш ҳуқуқи заҳирадаги ижрочига ўтади. Бунда заҳирадаги ижрочи танлов ғолиби таклиф қилган нархларда шартнома тузиши ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.

II. МАЛАКАВИЙ ХУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ

1. Пластик қисмларни ишлаб чиқариш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун таъсис ва рухсат берувчи хужжатларнинг мавжудлиги. (Устав, гувоҳнома нусхасини, лицензия, сертификатлар нусхаси тақдим килиш).
2. Танлов иштирокчиси 3 йил давомида Автосаноат тизимидаги корхоналар билан иш тажрибасига эга бўлиши. (Автосаноат корхоналарига пластик қисмларни етказиб бериш бўйича хизматлар кўрсатиш бўйича шартномалар нусхаси тақдим килиш)
3. Хом ашё, тайёр маҳсулотни ташиш учун ўз транспортининг мавжудлиги. (Техник паспорт, агар автотранспорт эгаси бўлмаса ижара шартномаси нусхаси тақдим килиш).
4. Ишлаб чиқариш жойлашган бино ҳақида маълумот (Кадастр хужжатлари нусхасини ёки ижара шартномалари нусхасини тақдим этиш.)
5. Танлов иштирокчиси камида 3 та малакали кадрларга ега булиши. (ходимларнинг ФИШ, эгаллаб турган лавозими, маълумоти ва иш тажрибаси тўғрисидаги маълумотларни тақдим килиш)
6. Танлов иштирокчиси пластик қисмларни ишлаб чиқариш учун ускуналар (Термопластавтомат) ва ишлаб чиқариш куввати ҳақида маълумот. (ускунанинг паспорти, фотосуратлари. Балансида мавжуд бўлмаса ижара шартнома нусхаси).

III. Иштирокчилар ва танлов таклифларини малакавий баҳолаш тартиби ва мезонлари.

Иштирокчиларни танловда иштирок этиш учун танлаш тартиби ва мезонлари.

Малакавий баҳолаш танлов комиссияси томонидан танлов бошланишидан аввал амалга оширилади. Талаб қилинаётган маълумот иштирокчи томонидан тақдим қилинмаган бўлса танлов комиссияси уни танловда иштирок этишига рухсат бермасликка ҳақли.

Таклифларни техник баҳолаш.

№	Мезон	Баҳолаш	Изоҳ
1	Устав, гувоҳнома нусхасини, лицензия, сертификатлар нусхаси	Бажарган / Бажармаган	Бажармаган, бўлса, иштирокчи дисквалификация қилинади.
2	Автосаноат корхоналарига пластик қисмларни етказиб бериш бўйича хизматлар кўрсатиш бўйича шартномалар нусхаси)	Бажарган / Бажармаган	Бажармаган, бўлса, иштирокчи дисквалификация қилинади.
3	Техник паспорт, агар автотранспорт эгаси бўлмаса ижара шартномаси нусхаси тақдим қилиш	Бажарган / Бажармаган	Бажармаган, бўлса, иштирокчи дисквалификация қилинади.
4	Кадастр ҳужжатлари нусхасини ёки ижара шартномалари нусхасини тақдим этиш.	Бажарган / Бажармаган	Бажармаган, бўлса, иштирокчи дисквалификация қилинади.
5	ходимларнинг ФИШ, эгаллаб турган лавозими, маълумоти ва иш тажрибаси тўғрисидаги маълумотларни тақдим қилиш	Бажарган / Бажармаган	Бажармаган, бўлса, иштирокчи дисквалификация қилинади.
6	Ускунанинг паспорти, фотосуратлари. Балансида мавжуд бўлмаса ижара шартнома нусхаси	Бажарган / Бажармаган	Бажармаган, бўлса, иштирокчи дисквалификация қилинади.

IV. Танланган таклифнинг нарх қисмини баҳолаш.

Нархлаш мезонлари-танланган нархи қисми учун фақат мезон ҳужжатлар шартнома миқдори (бошланғич нархи).

№	Мезонлар	Баҳолаш	Изоҳ
1.	Нарх таклифининг миқдорий кўрсаткичи.	Энг паст нарх-100 балл. Энг юқори нарх – энг паст балл.	Нархлар танлов иштировчилар томонидан тақдим этилган энг кам нархга нисбатан фоизда белгиланади.

Танлов баҳолаш мезонида ўтказилганда, миқдор қўшимча равишда иштирокчилар таклифларининг техник ва нарх параметрлари нисбий миқдори кўрсаткичларини кўрсатиши керак.

Мисол: - техник малака қисмининг миқдорий кўрсаткичи - 80%

- нарх қисмининг миқдорий кўрсаткичи-20%.